ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

Рўйхатга олинди:
№ БД – 5120300 –3.03
2012 йил "14" 08

Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги
_____
2012 йил "24" 08

ЎЗБЕКИСТОН ТАРИХИ
ФАН ДАСТУРИ

Билим сохаси: 100000 – Гуманитар соха
Таълим сохаси: 120000 – Гуманитар фанлар
Таълим йўналиши: 5120300 – Тарих (жаҳон мамлакатлари бўйича)

Тошкент 201__

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2017 йил "24" 08 даги "603"-сонли буйруғининг 2-иловаси билан фан дастури рўйхати тасдиқланган.

Фан дастури Олий ва ўрта махсус, касб-хунар таълими йўналишлари бўйича Ўқув-услубий бирлашмалар фаолиятини Мувофиқлаштирувчи Кенгашининг 2017 йил "13" 06 даги 4 - сонли баённомаси билан маъқулланган.

Фан дастури Ўзбекистон Миллий университетида ишлаб чиқилди.

Тузувчилар:

Х.Э. Юнусова – ЎзМУ "Ўзбекистон тарихи" кафедраси мудири. т.ф.д. проф.
З.Р. Ишанходжаева – ЎзМУ "Ўзбекистон тарихи" кафедраси проф. в.б., т.ф.д.
О.П. Кобзева – ЎзМУ "Ўзбекистон тарихи" кафедраси проф. в.б., т.ф.д.
Р.Б. Сиддиков – ЎзМУ "Ўзбекистон тарихи" кафедраси доц., т.ф.н.
А.Б. Холикулов – ЎзМУ "Ўзбекистон тарихи" кафедраси доц. в.б., т.ф.н.
К.А. Тўхтабеков – ЎзМУ "Ўзбекистон тарихи" кафедраси доц. в.б., т.ф.н.
А.А. Ерметов – ЎзМУ "Ўзбекистон тарихи" кафедраси доц., т.ф.н.
Ф.А. Акрамова – ЎзМУ "Ўзбекистон тарихи" кафедраси ўқитувчиси
У.А. Усаров – ЎзМУ "Ўзбекистон тарихи" кафедраси ўқитувчиси
Ж.Э. Тоғаев – ЎзМУ "Ўзбекистон тарихи" кафедраси ўқитувчиси

Такризчилар:

Ш.Ўлжаева - Тошкент кимё-технология институти, т.ф.д.

Н.Полвонов - ЎзМУ "Ўзбекистон тарихи" кафедраси доценти, т.ф.н.

Фан дастури Ўзбекистон Миллий университети Кенгашида кўриб чиқилган ва тавсия қилинган (2017 йил "14" 04 даги "4" -сонли баённома).

I. Ўқув фанининг долзарблиги ва олий касбий таълимдаги ўрни

Мустақиллик Ўзбекистон тарихининг янги даврини бошлаб берди. Ватанимиз суверен давлат сифатида жаҳон ҳамжамиятидан жой эгаллади. Мустақиллик йилларида Ватанимизда амалга оширилган ишлар қўлами асрларга татигулик бўлди. Давлат бошқаруви, иқтисодиёт ва маънавият соҳаларида катта ислоҳотлар амалга оширилди. Айникса, таълим соҳасида қўлга киритилган ютуқларни алоҳида таъкидлаш лозим. Баркамол авлодни шакллантиришга йўналтирилган Миллий дастур ўз мевасини бермоқда. Бугун дунёда кечаётган мафкуравий карама-каршиликлар таъсиридан ёшларни ҳимоялаш учун уларда тарихий тафаккурни шакллантириш зарур.

Ушбу дастур «Ўзбекистон тарихи» фанини халқимизнинг энг қадимги замонлардан то хозирги кунларгача босиб ўтган узоқ ва мураккаб тарихий йўлини, ижтимоий-сиёсий, иқтисодий, маданий ва маънавий ҳаётини холисона ўрганиш, мамлакатимизнинг демократлаштириш ва иқтисодиётни бозор тамойиллари, жаҳон ҳамжамиятига ҳар томонлама интеграциясини чуқурлаштириш, хорижий мамлакатларнинг ижтимоий-иқтисодий, сиёсий ва маданий тараққиётини илмий ва амалий аҳамиятини ҳамда фаннинг ривожланиш қонуниятлари ва тамойиллари, фаннинг таркиби ва тузилиши, уни ташкил қилиш ва бошқариш, фаннинг таснифи каби масалалар аҳамияти очиб берилади. Ҳамда, «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури»да кўрсатиб ўтилган талаба-ёшларнинг тарихий дунёқарашини бойитиш, уларда мустақил фикрни карор топтириш, тарихни мукаммал даражада билиш, инсоният цивилизациясининг ютуқларидан ва тажрибасидан тўла баҳраманд бўлиш, умуминсоний кадриятларни англаб етишга кўмаклашиш ва дунё микёсида мавжуд бўлган муаммоларнинг тарихий илдизларини излаб топиш каби долзарб масалаларни ўрганади.

Шунингдек, "Ўзбекистон тарихи" фани ҳақидаги билимларни карор топшириш мавжуд илмий адабиётлар ва замонавий назариялар ҳамда олиб борилаётган тадқиқот ишларини ўрганиш, фан бўйича тўпланган илғор тажрибалар, кадрлар буюртмачиларининг фикр, талаб ва таклифлари каби масалаларни ўз ичига қамраб олади.

II. Ўқув фанининг максади ва вазифаси

Фанни ўқитишнинг мақсади – тарихнинг давлат ва жамият тараққиёти натижаси эканлиги, жамият ривожланишида давлатчиликнинг муҳим вокеа ҳисобланиши, тарихнинг кейинги тараққиёти босқичида фукаролик жамиятнинг пайдо бўлиши билан фан, техника, маданият, ахборотлар ўзлаштира бориш, уларни жамиятга боғлик бўлган ходисаларни кўрсатишдир

Фанни ўқитишнинг вазифалари – жамият ва давлатчилик тараққиётидаги уйғунлик фарқларини ажратиш, тарих фанидаги янги назарияларни таҳлил этиш, тарихнинг харакатлантирувчи омилларини

талабаларга кўрсатиб бериш, тарих фанининг асосий йўналишларини таҳлил ва тадқик килиш малакасини ҳосил килиш, давлат ва жамият тараккиётнинг ривожланиш омилларини таҳлил килишда тарих фанининг ўрнини тушунтиришдан иборат.

Фан буйича талабаларнинг билим, кўникма ва малакаларига куйдаги талаблар куйилади. ***Талаба:***

– Ўзбекистон тарихининг асосий боскичлари; Ўзбекистон тарихининг маълум бир тарихий ходисалари; жаҳон тарихида Ўзбекистоннинг тутган ўрни;

– замонавий жараёнларда Ўзбекистоннинг жаҳон ҳамжамияти билан интеграцияси; тарихийлик ва холислик нуктаи назаридан Ўзбекистон тарихи муаммоларнинг ишлаб чикилиши жараёнларини ***билиши*** керак;

– Ўзбекистон тарихининг долзарб муаммоларини ўрганиш ва методологиясини ишлаб чикишда миллий ғоянинг ахамияти; Ўзбекистон тарихининг турли даврларидаги тарихий жараёнларнинг ўзига хослиги ҳакида; Ўрта Осиё Ренессанси; Ўзбекистоннинг мустакил давлат сифатида ривожланиши; тарих фани ижтимоий тафаккур махсули эканлиги, ижтимоий фанлар ривожида тарих фанининг муҳим вокеалар билан боғликлигини билиш ***кўникмаларига эга бўлиши*** керак.

– Ватан тарихини билиш; маънавий-миллий ва умуминсоний масалалар бўйича ўз карашларини илмий асослашни ва ифодалашни билиши, миллий мустакиллик ғояларига амал киладиган фаол хаётий дунёкарашга эга бўлиши; бакалавриат йўналишига мутаносиб равишда ракобатбардош умумкасбий тайёргарликка эга бўлиши; янги билимларни мустакил эгаллай олиши, ўз фаолиятини илмий асосда ташкил этиши ва ўзини камолотга етказиш устида ишлай билиши; таълим йўналиши бўйича олий маълумотли шахсларга тегишли лавозимларнинг бўш ўринларида мустакил ишлай олиш тажрибасига эга бўлиши; бакалавриатнинг тегишли йўналиши доирасида танланган ихтисослик бўйича магистратура олий таълимини давом эттириш ***малакаларига эга бўлиши*** керак.

III. Асосий назарий кисм (маъруза машғулотлари)

Кириш

Ўзбекистон тарихи фанининг ижтимоий фанлар тизимида тутган ўрни. Фаннинг максади, вазифалари ва ахамияти. Фаннинг услубий, илмий-назарий, ғоявий ва фалсафий асослари. Ўзбекистон тарихининг илмий-услубий тамойиллари ҳамда долзарб маслалалари. Ўзбекистоннинг кадимги ва ўрта асрлар тарихини даврлаштириш. Жаҳон тарихини даврлаштириш *тўғрисидаги назариялар. Манбашунослик ва тарихшунослик масалари.*

Ўзбекистон Республикаси Биринчи Президенти Ислом Каримовнинг асарларидаги тарих, тарих фани ва унинг методологиясига оид илмий-назарий масалалар, тамойил ва янгича ёндашувлар. Марказий Осиёда тарихий-маданий меросга муносабат, замонавий муаммолар ва айрим ёндашувлар.

ЎЗБЕКИСТОН ТАРИХИ I ҚИСМ
(Ўзбекистоннинг энг қадимги давридан то IV асргача)
Ўзбекистон тарихининг энг қадимги даври

Инсониятнинг дастлабки аждодлари, уларнинг пайдо бўлиши тўғрисидаги назариялар. Антропогенез жараёни. Палеолит – қадимги тош даври тарихи. Мезолит – ўрта тош даври тарихи. Неолит – янги тош даври тарихи. Энеолит – мис-тош даври тарихи. Ибтидоий эътиқодлар ва тасвирий санъатнинг пайдо бўлиши.

Бронза даври тарихи

Бронза даври ва бронза қуролларнинг хусусияти. Зироатчилик ва чорвадорлар маданиятлари доирасининг кенгайиб бориши. Ижтимоий – иқтисодий муносабатлар. Маданий алоқалар. Аҳоли ва этник жараёнлар.

Ўзбекистон давлатчилигининг шаклланиши асослари

Илк давлатлар ривожланишининг даврлаштирилиши. Бошқарув тизими ва илк давлатлар пайдо бўлишининг ижтимоий, иқтисодий, ва сиёсий асослари. Давлатчилик келиб чиқишига доир назариялар. Давлат турлари ва шакллари. Бошқарув тизими.

"Авесто" ва зардўштийлик

"Авесто"нинг тарихий манба сифатидаги ўрни. "Авесто" тили. "Авесто" ва заратуштра. "Авесто"да географик-ҳудудий номлар, ижтимоий-иқтисодий маълумотлар ва сиёсий тарих. Диний фалсафа ва дафн этиш маросимлари. Ахлоқий ва ҳуқуқий қоидалар, жиноят ва жазо турлари.

Қадимги давлатлар тарихи

Қадимги форс битиклари ва илк юнон манбаларида тарихий – маданий вилоятлар ва қадимги давлатлар. Фарғона ва Чоч. Қадимги Бактрия. Сўғдиёна. Қадимги Хоразм. Сак-массагетлар. Улар ўртасидаги ўзаро алоқалар.

Ўрта Осиё Ахамонийлар давлати таркибида (мил.авв. VI-IV асрлар)

Ёзма манбалар. Ахамонийлар салтанатининг ташкил топиши ва Ўрта Осиёни босиб олиши. Кир II ва Доро I нинг боскинлари. Тўмарис ва Широкнинг жасоратлари. Фрада қўзғолони. Ижтимоий–иқтисодий хаёт. Сатрапликлардаги бошқарув тизими. Ахамонийлар даврида хўжалик, шаҳарлар, ҳунармандчилик ва савдо. Маданий алоқалар. Маданият ва дин.

Македониялик Александрнинг Бақрия ва Сўғдиёнага юришлари

Ёзма манбалар. Арриан, Курций Руф ҳикоялари. Страбон "Географияси" маълумотлар. Сиёсий воқеалар. Македониялик Александрнинг ҳарбий юришлари. Александр ва Спитаман. Юнон-македонларга қарши кураш. Тарихий география.

Ўзбекистоннинг антик давр давлатчилиги. Салавкийлар ва Юнон–Бактрия давлатлари

Искандарнинг вафоти ва салтанатнинг парчаланиши. Эллин *давлатларининг ташкил топиши. Салавкийлар давлати. Салавка ва Антиох* даврида хўжалик ва маданий ҳаёт. Салавкийлар давлатининг кучсизланиши ва парчаланиши. Салавкийлар даврида эллин маданиятининг тарқалиши ва аралаш маданиятнинг шаклланиши.

Юнон–Бактрия подшолиги, ҳудуди ва чегаралари. Эллин маданиятининг хусусиятлари. Антик давр шаҳарсозлик ва меъморчилик анъаналари.

Хоразм, Қанғ, Даван, Юечжи–Кушон ва Кушон давлатлари

Хоразм давлати: шаҳарсозлик ва меъморчилик. Ижтимоий–иқтисодий муносабатлар. Тасвирий санъат, ёзув ва дин. Қанғ давлати: манбалар, ташкил топиши ва чегаралари. Ижтимоий тузум, хўжалиги ва шаҳарлари. Даван давлати: манбалар, чегаралари. Ижтимоий–иқтисодий ҳаёт. Даван – Хитой муносабатлари.

Юечжи–Кушон ва Кушон давлати. Кушон салтанатининг ташкил *топиши. Канишка ҳукмронлиги. Кушон, Хитой, Рим муносабатлари.* Кушонлар даври маданияти. Кушон ёзуви. Кушонлар даври Шимолий Бактрия шаҳарлари. Меъморчилик ва санъат. Дин.

ЎЗБЕКИСТОН ТАРИХИ II ҚИСМ
(Ўзбекистон тарихининг V асрдан – XIV асрнинг биринчи ярмигача бўлган даври)

Илк ўрта асрлар тарихи

Кидарийларнинг келиб чиқиши ва уларнинг Ўрта Осиё ҳудудига жойлашуви. IV асрнинг 70-йилларида Хионийлар давлатининг ташкил топиши. Хионийлар ва Эрон сосонийлари давлати ўртасидаги муносабатлар. Эфталийлар даври манбалари. Эфталийларнинг Ўрта Осиёга кириб келиши. Ҳудуди. Эрон сосонийлари устидан ғалабаси. Ижтимоий-иқтисодий ва маданий ҳаёт.

Турк ҳоконлигининг ташкил топиши. Ғарбий Турк ҳоконлиги. Ҳоконликнинг бошқарув тартиби. Ижтимоий – иқтисодий ва маданий ҳаёт. Ҳунармандчилик ва савдо-сотиқ.

Араб халифалиги даврида Мовароуннаҳр: Мовароуннаҳрнинг араблар томонидан фатҳ этилиши. Араб халифалиги босқинига қарши кураш. Араб халифалиги истилосининг окибатлари. Халифаликнинг солиқ сиёсати. Ислом дини ва унинг ёйилиши. Маънавий ва маданий ҳаётдаги ўзгаришлар.

IX-XII асрлар тарихи

Араб халифалигининг парчалана бориши. Мустақил давлатларнинг вужудга келишидаги тарихий шарт-шароитлар. Тоҳирийлар даврида

Мовароуннахр ва Хуросон. Сомонийларнинг хукмронлиги даври: ижтимоий – *иктисодий хаёт. Марказлашган давлат бошкарувининг ташкил топиши.* Қорахонийлар давлати. Ижтимоий – иктисодий хаёт. Марказий ва махаллий бошкарув тизими. Қорахонийлар, Ғазнавийлар, Салжўқийлар ва уларнинг *сиёсий муносабатлари. Хоразмшох-Ануштегиннийлар давлати.* Ёзма манбалар. Салжўқийлар давлати билан муносабатлари. Ижтимоий – иктисодий хаёт. Марказий ва махаллий бошкарув. Мансаб ва лавозимлар. Маданий хаёт.

Ўрта Осиё халклари хаётида IX-XII асрларда юз берган уйғониш даври. Аждодларимизнинг жахон цивилизациясига қўшган хиссаси

IX-XII асрларда маданий юксалишнинг омиллари. Ўрта Осиёлик буюк комусий алломаларнинг инсоният тамаддуни ривожига қўшган улкан хиссаси. Хоразм Маъмун академиясида илм-фаннинг ривожланиши. IX-XII асрларда ислом дини ва тасаввуф тарикатлари. Буюк мухаддис ва диншунос *олимлар. Меъморчиликдаги ўзига хос хусусиятлар ва санъат. Истиклол* йилларида буюк аждодларимиз илмий меросини ўрганишда амалга оширилган ишлар.

Ўрта Осиёга мўғуллар боскинининг амалга оширилиши ва унга карши кураш

Ёзма манбаларнинг кискача тавсифи. Мўғуллар давлатининг ташкил *топиши. Чингизхон ва Хоразмшох муносабатлари. Мовароуннахрга мўғул* боскинининг амалга оширилиши. Жалолиддин Мангуберди – Ватан кахрамони. Мўғуллар истилосидан кейинги вазият. Чиғатой улуси даврида ижтимоий-иктисодий муносабатлар. Хўжаликнинг ахволи. XIII асрнинг *иккинчи ярми ва XIV асрнинг биринчи ярмидаги маданий хаёт.*

Буюк Ипак йўли – мулоқот йўли

Мавзу тарихшунослиги. Энг кадимги йўллар: "*Ложувард йўли*", "*Дашт* йўли", "Олтин йўли", "Шох йўли" ва бошкалар. Буюк Ипак йўли ривожланиши ва тараккиёт бокичлари. Ўрта асрлар даври йўллари. Буюк Ипак йўли ва хозирги замон.

Этногенез ва этник тарих масалалари

Этногенез ва этник жараёнларнинг хусусиятлари. Қадимги *миграциялар ва этномаданий жараёнлар.* Ўзбек халкининг шаклланиши масаласи.

ЎЗБЕКИСТОН ТАРИХИ III ҚИСМ

(Ўзбекистон тарихининг XIV асрнинг иккинчи ярмидан – Бухоро хонлиги даври)

Амир Темур ва темурийлар давлати

XIV асрнинг 40-йилларида Чиғатой улусидаги сиёсий ахвол. Амир Темур ва Суюрғатмишхонларнинг Мовароуннахр хукмдори деб эълон килиниши. Марказлашган Темур салтанатининг ташкил топиши.

Амир Темурнинг Мўғулистон, Ҳирот, Эрон, Сейистон, Астрабод ва *Озарбайжон устига килган юришлари.* Темурнинг Озарбайжон ва Форсга килган уч йиллик (1386-1388) юриши. Амир Темурнинг Тўхтамишга карши юришлари (1389,1391,1395) ва мўғуллар устидан эришган ғалабасининг халкаро ахамияти. Темурнинг Эронга килган беш йиллик (1392-1396) ва Ҳиндистонга килган етти йиллик юришлари (1399-1405). Султон Йилдирим Боязиднинг Анкара остонасидаги мағлубияти (1402). Амир Темурнинг Хитойга юриш бошлаши (1404 й. ноябр) ва Ўтрорда вафот этиши (1405 й. феврал). Амир Темур зукко, тажрибали ва сиёсатдон, буюк давлат арбоби. Темур тузуклари. Амир Темурнинг жаҳон тарихида тутган ўрни. Амир Темур салтанатининг маъмурий ва харбий тузилиши. Амир Темур ва бугунги кун.

Амир Темур вафотидан сўнг, темурийлар ўртасидаги тахт учун кураш ва Темур салтанатининг парчаланиши. Темурийлар даврида Мовароуннахр ва Хуросонда сиёсий хаёт.

Амир Темур ва темурийлар даврида ижтимоий-иктисодий хаёт

Қишлок хўжалигининг ахволи. Аграр муносабатлар. Амир Темурнинг дехкончиликни тиклаш ва ривожлантиришдаги ишлари. Суғориш иншоотларининг курилиши. Янги боғларнинг барпо этилиши. Ерга эгалик килиш шакллари. Суюрғол ерлари. Тархон ёрлиғи ва унинг имтиёзлари. Чорвачилик. Ҳунармандчиликнинг ривожланиши. Қоғоз хамда бўёк ишлаб чикариш. Тўкимачилик ва тўқувчилик. Кулолчилик. Заргарлик. Кончилик ишлари. Ички ва ташки савдо. Бозорларнинг маданий марказлар сифатидаги ахамияти. Халкаро савдо йўллари.

Ўзбек хонликлари (XVI-XIX аср биринчи ярми). Шайбонийлар даврида Мовароуннахр. Бухоро хонлигининг ташкил топиши

Темурийлар давлатининг инкирози сабаблари. Бобур ва Шайбонийлар ўртасидаги кураш. Шайбонийхон томонидан Мовароуннахр ва Хуросонни босиб олиниши. Темурийлар – Шайбонийлар – Сафавийлар ўртасидаги кураш. Убайдуллахон ва Шайбонийлар давлатининг тикланиши.

XVI асрнинг 40-50 йилларида Шайбонийлар ўртасида ўзаро курашлар. Абдуллахон II нинг хокимиятга келиши. Шайбонийларни ва Мовароуннахрни бирлаштирилиши. Бухоро шахрининг пойтахт сифатида юксалиши. Абдуллахон II нинг ички ва ташки сиёсати. Шайбонийлар сулоласининг инкирози.

Маданият. Таълим, илм-фан, адабиёт ва тарихнавислик. Меъморчилик ва халк амалий санъати.

Аштархонийлар даврида Бухоро хонлиги

Аштархонийлар сулоласи ва уларнинг Бухорога келиши сабаблари. Шайбонийлар инкирози ва Аштархонийлар сулоласининг хокимиятга *келиши. Имомкулихон даврида хокимиятнинг мустахкамланиши. Абдулазизхон ва Субхонкулихон даврида ички низолар ва Хива хонлигининг* Бухорога хужумлари. Субхонкулихон даврида Хиванинг бўйсундирилиши.

Эрон – Бухоро – Ҳиндистон муносабатлари. Балх шаҳрининг марказ *сифатидаги мавкеининг кучайиши. Убайдуллахон II нинг ички сиёсати.* Унинг пул ислоҳати. Ислоҳатга карши ғалаёнлар. Абулфайзхон даврида марказий ҳокимиятнинг заифлашуви. Самаркандда Ражабхон исёни. Ҳакимбий Мангит Оталиқнинг кучайиши. Эрон шоҳи Нодиршоҳ боскини. Муҳаммад Ҳакимбий ва унинг ўғли Раҳимбий Мангитнинг ҳокимиятга келиши. Аштархонийлар инқирози.

XVI-XVIII аср биринчи ярмида Бухор хонлигида ижтимоий-иктисодий муносабатлар

Бухор хонлиги ҳудуди. Аҳолининг этник таркиби. Қишлоқ хўжалиги Сув иншоатлари ва суғориш тизми. Бухоро хонлигида ер эгалиги. Дехконлар ва чорводор аҳолининг ахволи. Хонликда тоғ кон ишлари. Йирик марказий шаҳарлар Бухоро, Самарқанд ва Тошкентнинг иктисодий, сиёсий, маданий ҳаётда тутган ўрни. Жўйбор хожаларининг мавкеи. Ҳунармандчилик ички ва ташки савдо. Бухоро хонлигида пул муносабатлари ва ислоҳатлари. Давлатнинг солиқ сиёсати.

ЎЗБЕКИСТОН ТАРИХИ IV ҚИСМ

(Ўзбекистон тарихининг Бухоро амирлиги, Хива ва Қўқон хонликлари даври – XIX асрнинг биринчи ярми)

Бухоро амирлиги (XVIII аср иккинчи ярми –XIX асрининг биринчи ярми)

Муҳаммад Раҳимхон Мангитнинг ҳокимиятга келиши. Марказий давлат ҳокимиятини мустаҳкамланиши ва вилоятларнинг бўйсундирилиши. Дониёлбий даврида ички низолар. Ўзбек уруғлари амирларининг исёни ва Қўзғолонларнинг кучайиши. Шоҳмуроднинг ҳокимиятга келиши. Марказий ҳокимиятнинг мустаҳкамланиши. Молия, суд, маъмурий ва ҳарбий ислоҳатлар. Қарши шаҳри нуфузи ортиши.

Амир Ҳайдар даврида сиёсий кескинлик ва қўзғолонлар. Хива хонлигининг Бухорога ҳужумлари. Бухоронинг чегара ҳудудлар учун Қўқон хонлиги билан урушлари. Амир Насрулло даврида ҳарбий ислоҳотлар ва давлат ҳокимиятининг мустаҳкамланиши. Бухоронинг ҳудудий яхлитлиги тикланиши. Қўқон хонлигининг босиб олиниши. Бухоро – Хива муносабатлари. Шаҳрисабз – Китоб бекликлари.

Амирликнинг маъмурий тузилиши. Ижтимоий табақалар. Ҳарбий ва суд ишлари. Ҳунармандчилик, ички ва ташки савдо. Маданият ва дин. Таълим, илм-фан, адабиёт ва тарихнавислик.

Хива хонлиги (XVI –XIX асрнинг биринчи ярми)

Темурийлар инкирози ва Хива хонлигининг ташкил топиши. Шайбонийлар даврида (1512-1770) Хива – Бухоро – Эрон муносабатлари. *Кўҳна Урганч, Янги Урганч ва Хива Хоразм пойтахтлари сифатида.*

Абулғозихон ва Анушахон даврида Бухоро – Хива ўртасидаги урушлар. Шоҳниёзхон ва Шерғозихон даврида Хива – Россия

муносабатлари. Элбарсхон даврида Эрон шохи Нодиршох хужуми. Хивада сиёсий парокандалик.

Қўнғирот инокларининг хокимиятга келиши (1770-1920). Мухаммад Рахимхон I даврида Хива хонлигининг бирлаштирилиши. Ислохатлар. Кенгаш (Девон) таъсис этилиши. Қоракалпокларнинг Хивага бўйсундирилиши. Қоракалпоқлар Қўзғолони. Хива хонлигининг ташқи алокалари. Хива-Россия муносабатлари.

Хива хонлигининг маъмурий тузилиши. Сарой унвонлари: харбий-маъмурий ва диний амалдорлар. Хонликнинг маъмурий тузилиши ва ижтимоий тизими. Харбий, суд ва солиқ тизими. Иқтисодий ва маданий хаёт. Адабиёт, санъат ва дин.

Қўқон хонлиги (XVIII аср иккинчи ярми –XIX асрнинг биринчи ярми)

Аштархонийлар Убайдуллахон даврида Фарғонада мустақил давлатнинг тузилиши. Минглар сулоласининг хокимиятга келиши. Шохрухбий ва унинг ворислари даврида Қўқон хонлиги худуди кенгайиши. Нордонобий ва Норбўтабек даврида марказий хокимиятнинг мустахкамланиши. Олимхон даврида Қўқоннинг сиёсий мавкеи кучайиши. Тошкент беклигининг бўйсундирилиши. Россия билан савдо муносабатларининг ўрнатилиши.

Умархон даврида маданий (адабий) хаётнинг юксалиши. Мухаммад Алихон даврида Қоратегин, Кулоб, Дарвознинг босиб олиниши. Қўқон – Хитой муносабатлари. Бухоро амири Насруллохоннинг Қўқонни босиб олиши.

Худоёрхон даврида кипчоқларнинг кучайиши ва Мусулмонқул фаолияти. Кипчоқлар кирғини. Россиянинг Қўқон хонлигига карши хужумлари. Қўқон хонлигининг давлат бошкарув тизими ва маъмурий тузилиши. Ижтимоий табакалар. Харбий - маъмурий амалдорлар. Иқтисодий хаёт: ер - сув муносабатлари, кишлоқ хўжалиги, хунармандчилик, иччки ва ташки савдо. Соликлар ва суд тизими.

Маданий хаёт: таълим, илм - фан, адабиёт, тарихнавислик, меъморчилик ва амалий санъат.

XVI-XIX аср биринчи ярмида Қоракалпоқлар.

XVI-XIX аср биринчи ярмида Қоракалпоқлар. Қоракалпоқ уруғларининг жойлашуви. Қоракалпоқлар Хива хонлиги таркибида. Қоракалпокларнинг хўжалик хаёти. XIX асрнинг 20 - 40 йилларида копакалпоқлар ва уларнинг руслар билан муносабати. Қоракалпокларнинг ўз мустакиллиги учун кураши. Савдо ва хунармандчилик. Чорвочилик ва дехкончиликнинг кучайиши. Қоракалпоқлар ижтимоий турмуш тарзи, маданият ва таълим.

ЎЗБЕКИСТОН ТАРИХИ V ҚИСМ
(Ўзбекистон тарихининг XIX асрнинг ўрталаридан – XX асрнинг бошларигача)

XIX аср ўрталарида ўзбек хонликлардаги сиёсий ва ижтимоий-иктисодий хаёт

XIX аср ўрталарида Қўқон хонлигидаги сиёсий ва ижтимоий-иктисодий ахвол. Қўқон хонлиги ва Бухоро Амирлиги ўртасидаги муносабатлар. XIX асрнинг ўрталарида Қўқон хонлигидаги сиёсий жараёнлар. Хонликнинг давлат бошкарув тартиби. Қўқон хонлигидаги унвонлар ва мансаблар. Ер эгалиги шакллари ва хўжалиги. Хонликдаги савдо ва тавар пул муносабатлари. Хонликдаги маданий хаёт.

Бухоро амирлигида сиёсий ва ижтимоий-иктисодий ахвол. Амирликнинг давлат бошкарув тартиби. Бухоро Амирлигидаги унвонлар ва мансаблар. Ер эгалиги шакллари ва хўжалиги. Солик сиёсати. Амирликдаги маданий хаёт. Мирзо Абдулазим Сомий, Ахмад Дониш.

Хива хонлигидаги сиёсий ва ижтимоий-иктисодий ахвол. Давлат бошкарув тартиби. Ер эгалиги шакллари. Хўжалиги. Хонликдаги маданий хаёт.

Ўрта Осиё хонликларининг Россия империяси томонидан босиб олиниши

Россия империясининг Ўрта Осиё хонликларга карши экспанцияси сабаблари. Ўрта Осиё масаласида инглиз-рус ракобати ва унинг *кескинлашуви сабаблари* .

Россия империяси кўшинларининг Қўкон хонлиги худудларидаги дастлабки харбий харакатлари. Окмачит, Пишпек ва Тўкмок, Сузок *калъаларининг эгалланиши. Авлиёота*, Туркистон ва Чимкент шахарларини босиб олиши. Оренбург генерал-губернаторлиги таркибида Туркистон вилоятининг ташкил этилиши.

Россия империяси кўшинларининг Тошкентга юриши, шахарнинг эгалланиши. Генерал М.Г.Черняев томонидан «Тошкентни Россия тассаруфига ўтиши тўгрисидаги» сулх шартномаси мохияти. (1865 йил 1 июль).

Россия империяси ва Бухоро кўшинлари ўртасидаги дастлабки харбий тўкнашув. М.Г.Черняевнинг Жиззах остоналаридаги маглубияти.

Самарканд ва Каттакўрғоннинг истило килиниши. Зарбулокда Бухоро кўшинларининг маглубияти Россия-Бухоро сулх шартномалари. Амирликни Россия протекторатига айланиши. Абдумалик тўра бошчилигидаги халк харакатлари.

1873 йил Хива хонлигига карши юриш. Гандимиён шартномаси. Хива хонлигининг Россия протекторатига айланиши.

Россия империясининг Туркистондаги маъмурий бошқарув тизими ва мустамлакачилик сиёсати

Туркистон генерал - губернаторлигининг ташкил этилиши. Туркистон генерал - губернаторилиги Россия империясининг Туркистондаги мустамлака сиёсати таянчи. Россия империясининг Туркистондаги мустамлака маъмурий - бошқарув сиёсатининг моҳияти. Генерал-губернаторлик функциялари. Туркистон ўлкасини бошқариш хусусида 1865-1917 йиллар қабул қилинган Низомлар ва уларнинг мустамлакачилик тизимини мустаҳкамлашдаги аҳамияти. Ҳокимият, полиция ва суд органлари, уларнинг жазолаш функцияларини кенгайиши. Ўлка ва вилоят амалдорлари. Уезд ва волост ҳукмдорлари.

XIX асрнинг 70-йилларида Қўқон хонлиги. Хонлик ҳудудидаги солиқ тизими. Қўқон хонлиги аҳолисининг сиёсий ва иқтисодий ҳуқуксизлигига карши норозликнинг кучайиб бориши. Қўқон хонлигининг тугатилиши. Туркистон генерал-губернаторлигининг таркибида Фарғона вилоятининг ташкил этилиши.

Россия империясининг кўчириш сиёсати. Туркистон ўлкасида мустамлака шароитида ижтимоий - иқтисодий ва сиёсий ҳаёт. Туркистон ўлкаси хом ашё манбаи ва тайёр маҳсулот бозорига айлантирилиши. Темир йўлларнинг курилиши ва унинг мустамлака манфаатларга мослаштирилиши.

XIX асрнинг 70-90 йилларида Туркистон ўлкасида халқ озодлик ҳаракатлари

XIX аср охирларида ўлка халклари турмуш тарзининг пасайиб бориши. Миллий ва мустамлака зулмнинг кучайиши, халқ оммасининг норозилик ҳаракатини кучайиши. Қурмонжон додхох бошчилигидаги ҳаракатлар. Пўлатхон қўзғолони.

1892 йилги Тошкент «Вабо исёни». Қўзғолоннинг келиб чиқиш сабаблари. Мустамлака маъмурият томонидан қўзғолонни аёвсиз бостирилиши. Қўзғолон иштирокчилари устидан ўтказилган суд жараёни.

1898 йил Андижон қўзғолони. Муҳаммад Али Дукчи Эшон. Унинг сиёсий фаолияти. Қўзғолонни камраб олган ҳудудлар. Фарғона водийси қўзғолоннинг асосий маркази эканлиги. Қўзғолоннинг тарихий аҳамияти. Қўзғолон иштирокчилари устидан олиб борилган суд-тергов жараёни.

Халқ ҳаракатларининг тарихий аҳамияти.

XIX аср охири XX аср бошларида Бухоро амирлиги ва Хива хонлигида ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий ҳаёт

Бухоро ва Хива хонликларининг маъмурий-ҳудудий тузилиши. Аҳолининг этник таркиби ва сони. Бухоро амирлигида ва Хива хонлигидаги ижтимоий - сиёсий аҳвол. Қишлоқ хўжалиги. Бухоро ва Хива хонлиги ҳудудида темир йиллар курилиши. Бухоро амирлигида ва Хива хонлигида халқ норозилик ҳаракатларининг ўсиб бориши ва қўзғолонга айланиши.

Балжувон беклигидаги Восе бошчилигидаги деҳконлар ҳаракати. Кўҳна Урганч, Питнак, Янги Урганч, Бийбозор, Чимбой, Хўжайли, Иланли,

Тошховуздаги халқ чиқишлари. Деҳқонлар ҳаракатини бостиришда мустамлака ҳукмрон доираларининг кўрсатган ёрдами. Қўзғолонларнинг шафқатсизлик билан бостирилиши. Бухоро амирлигидаги ва Хива хонлигидаги деҳқонлар ҳаракатининг ўзига хос хусусиятлари. 1910 йил Бухородаги сиёсий воқеалар ва унинг сабаблари. Бухоро ва Хивада маърифатпарварлик, *янги фикр ва дунёқарашнинг ривожланиши* «Ёш Бухороликлар» ва «Ёш хиваликлар» ҳаракати. 1916 йил миллий озодлик курашининг Бухоро ва Хивага таъсири.

Туркистон XX аср бошлари Биринчи жаҳон урушининг Туркистон ўлкасига таъсири. 1916 йил миллий – озодлик ҳаракати.

XX аср бошларида Туркистонда ижтимоий ҳаёт. Қизилравот-Ашхабод-Самарқанд (1888), Тошкент-Оренбург (1900-1906)) темир йўлларининг ўлка иқтисодиётга таъсири. Туркистонда саноат ишлаб чиқариш. Россия капиталининг ўлка иқтисодиётига кириб келиши. Туркистон иқтисодиётида Россия монополистик мавқеининг кучайиб бориши.

Ўлкада пахта майдонларининг кенгайиб, пахта хосилдорлигининг ошиб бориши. Туркистонда маҳсулотни қайта ишлаш саноатини шаклланиши. Ишлаб чиқарувчи кучларнинг ривожланиши. Туркистон ўлкасидан етишиб чиққан маҳаллий фабрикантлар ва саноатчилар. Мамлакатдаги иқтисодий аҳволга меҳнаткашларнинг муносабати. 1905-1907 йиллардаги биринчи буржуа инқилоби ва унинг Туркистон ўлкасига таъсири. *Туркистонда фавқулодда вазиятнинг эълон қилиниши. Ўлкадаги* ижтимоий ҳаёт. Метрополиянинг мустамлака сиёсатини кучайиши.

Биринчи жаҳон урушини келтириб чиқарган сабаблар. Россия империясининг урушга кириши ва урушнинг мустамлака ўлкаларга таъсири. Уруш йилларида Туркистон ўлкасида ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий ҳаёт. *Мустамлака зулмнинг кучайиши. Туркистон ўлкасининг Россия империяси* иқтисодиётида тутган ўрни. 1914 йил 26 июль Туркистон ўлкаси «Фавқулодда мухофаза ҳолатида» деб эълон қилиниши, миршаблик назоратининг кучайтирилиши.

1916 йил 25 июндаги подшо фармони ва унинг моҳияти. Туркистон ўлкаси маҳаллий халкларининг фармонга муносабати. 1916 йил Қўзғолонининг турли вилоятлардаги ўзига хос хусусиятлари (Хўжанд, Самарқанд, Тошкент, Фарғона, Жиззах ва бошқалар). Қўзғолон ҳаракатларини мустамлакачиларига қарши миллий-озодлик курашига айланиши. Жиззах миллий-озодлик ҳаракатининг ёрқин намунаси. Миллий давлатчиликни тиклаш ғоясини кун тартиби қўйилиши. Россияси империяси милий-озодлик ҳаракатини бостириш учун кўрилган чора тадбирлар. Жадидлар томонидан Туркистон ўлкаси халклари манфаатларининг Россия IV Давлат Думасида ҳимоя қилиниши.

Туркистон ўлкасида жадидчилик харакати ва сиёсий харакатлар

Жадидчилик харакатининг вужудга келишидаги тарихий шарт шароитлар. Жадидчилик ижтимоий - сиёсий, маданий - маърифий, ғоявий - мафкуравий ва истиклолчилик харакати сифатида майдонга чиқишига туртки бўлган омиллар.

Туркистон ўлкаси жадидчилик харакати намоёндалари ва уларнинг миллий уйғонишда ва ўзликни англашда тутган ўрни. Мунавваркори Абдурашидхонов (1878-1931), Абдулла Авлоний (1878-1934), Бехбудий (1875-1919) ва бошқалар фаолияти.

Жадид мактаблари - «усули савтия», яъни товуш охангига асосланган жадид мактабларининг ташкил топиши ва ривожланиши. Жадид миллий матбуоти. Жадид маданий-маърифий ташкилотлари ва жадид адабиёти. Жадидларнинг сиёсий карашлари. Туркистон ўлкасида янги сиёсий партия ва ташкилотлар. Социал демократик ғояларнинг Туркистон ўлкасига кириб келиши.

XIX аср охири XX аср бошларида қоракалпоқларнинг ижтимоий-иктисодий, сиёсий ва маданий хаёти

Россия империясининг коракалпоклар борасидаги сиёсати. Товар-пул муносабатларининг ривожланиши. Бозор муносабатларнинг пайдо бўлиши. Рус капитали мавкейнинг ўсиб бориши. Савдо-сотиқнинг ривожланиши.

XIX аср охири XX аср бошларида Амударёнинг чап қирғоғида яшовчи коракалпоқларнинг ижтимоий-иктисодий ахволи.

XIX аср охири XX аср бошларида коракалпок халкининг маданий хаёти. Қоракалпоқлар маданияти ривожланишининг ижтимоий-сиёсий шарт-шароитлари ва асосий боскичлари. Халк маъорифи. Мадраса. Мактаб. Адабиёт ва санъат. Кунхожа, Ажиниёз. Бердак, Оташ, Сарибой. Мусика маданияти. 1916 йил миллий озодлик кураши даврида коракалпоклар.

ЎЗБЕКИСТОН ТАРИХИ VI ҚИСМ
(Ўзбекистон тарихининг 1917-йилдан – 1989-йилгача)

1917 йил февраль инкилобининг Туркистон ўлкасига таъсири ва большевиклар томонидан куролли тўнтариш амалга оширилиши.

1917 йил бошларида Россиядаги сиёсий вазият, Петрограддаги инкилобий вокеаларнинг нихоясига етиши. Монархиянинг ағдарилиши. Қўшхокимиятчилик. Россиядаги февраль инкилобининг Туркистон ўлкаси ахолисининг сиёсий жихатдан фаоллашишига таъсири. Ўлкада сиёсий кучлар нисбати. Советларнинг тузилиши, Туркистон комитети ва унинг фаолияти. Тошкент совети, Миллий демократия, жадидлар харакати, махаллий жамоат ташкилотларининг тузилиши ва фаоллашуви. Халк вакилларининг биринчи мажлиси. "Шўрои ислом" ташкилотининг тузилиши ва унинг фаолияти. Ишчи ва солдат депутатлари Советларининг I Туркистон ўлка съезди (1917 йил 7-15 апрель). Мусулмонларнинг Тошкентда ўтказилган Бутунтуркистон

съезди (1917 йил 16-23 апрель) ва унда кўрилган масалалар. Бутунтуркистон мусулмонларининг II Ўлка съезди (1917 йил сентябрь). "Иттифоки муслимин"нинг тузилиши. Ўлкада большевик ва эсерлар томонидан куролли тўнтаришининг амалга оширилиши, шаҳар ва туманларда совет ҳукуматининг ўрнатилиши.

Туркистон мухторияти - миллий демократик давлатчиликнинг дастлабки тажрибаси

Тошкентдаги Халқ Комиссарлари Советининг ташкил этилиши ва фаолияти. Маҳаллий сиёсий ташкилотларнинг фаолиятини Қўқондан туриб давом эттирилиши. 1917 йил Қўқон шаҳрида ўлка мусулмонларининг IV фавқулодда съездининг иш бошлаши ва Туркистонни Россия Федератив Республикаси таркибида ҳудудий жиҳатдан мухтор деб эълон килинганлиги. Туркистон мухторияти ҳукуматининг тузилиши, рахбарлари ва уларнинг фаолияти. Туркистонда халқ хукуматини кенг жамоатчилик томонидан олкишланиши. Туркистон Мухторияти ҳукумати тузилганидан кейинги сиёсий курашлар. Туркистон Мухториятининг совет ҳукумати томонидан тор-мор этилиши. Қўқон фожеаси, унинг аянчли окибатлари ва советларнинг ўлкада якка ҳукмрон бўлиб қолишлари. Туркистон АССРнинг ташкил этилиши (советларнинг V ўлка съезди) ва бошқарув хусусиятлари. Советларнинг дастлабки иқтисодий тадбирлари, "харбий коммунизм" сиёсати ва унинг окибатлари.

Туркистонда совет ҳокимиятига карши куролли ҳаракатлар

